

“Бозор” романида давр воқелигининг бадий талқини

Манзура Пирназарова, Гулзира Қаландарова

Аннотация. Мазкур мақолада Хуршид Дўстмухаммаднинг “Бозор” романида реал давр муаммоларини ёритишда афсона ва ривоятлардан фойдаланганлик масаласига диққат қаратилган. Ёзувчи ривоят мазмунини романнинг сюжет тўқимасига композицион жихатдан мувофик тарзда уйғунлаштириб юборганлиги ёритиб берилган.

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется использованию легенд и преданий в романе “Базар” Хуршида Дустмухаммеда для показа реальной современной действительностей. Писатель в романе композиционно связал содержание легенды с сюжетом произведения.

Annotation. This article focuses on the use of legends, myths and narratives in covering real-world problems in novel “Bozor” by Khurshid Dustmuhammad. The author highlighted the key points of novel as a composed novel

Калит сўзлар: Роман, сюжет, композиция, жанр, шахс руҳияти, ривоят, образлилик, бадийлик

Ключевые слова: Роман, сюжет, композиция, жанр, психологическое состояние личности, предание, образность, художественность

Key words: Novel, plot, composition, genre, personal moral, narration, characterization, artistry

Бадий ижоднинг муҳим назарий масалаларидан бири асар композициясидир. Академик М. Қўшжонов композицияни шундай таърифлайди: «Композиция асарда ижодкор диққат марказининг яққоллиги, бадий ғоянинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир».¹

¹Қўшжонов М. Асар композицияси. Адабиёт назарияси. Икки томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1978.

Асар воқеалари мантикий жиҳатдан узвий боғлансагина яхлит силсилани ташкил этади. Асарнинг барча қисмлари ягона ва аниқ нуқтага марказлаштириб муносиб равишда жойлаштирилса мақсад равшанлашади. Зеро, тасвирланаётган воқеалар динамикаси, санъаткорнинг улар мағзини чақиши билан белгиланади.

Мустақиллик даври ўзбек романларини кузатар эканмиз, унда жанр имкониятларининг анча кенгайганлиги намоён бўлади. Бу ҳол биринчи навбатда истиқлол даври берган имконлар туфайли турғун акидалардан қутулишга интилиш кучайгани, муҳит билан алоқаси узилган шахс тақдирига эътибор ортгани, жанрнинг ички ва ташқи воситалари аро уйғунлик ҳамда мувофиқликни сақлагани ҳолда воқеа-ҳодисаларни эстетик якунлашни эмас, унинг ҳаётийлигини муҳим деб санаш кучайгани билан белгиланади.

XXI асрда яратилган ўзбек адабиётидаги роман турли жанрларда ўз табиатига мос келадиган жиҳатларни синтез қилиш орқали ҳаётий материални ўзлаштириш ва тасвир, талқин имкониятларини кенгайтириш орқали ҳам ривож топди. Шу маънода Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор»² романида бугунги кун одамларининг хатти-ҳаракати ва кўнглига нигоҳ ташлаш, нафс домида қолиб, бефарқ ҳамда лоқайд тарзда ҳаёт кечираётган одамлар ҳақида ҳам сўз боради. Бир қарашда далли-девона майлларга берилгандек туюлган асар қаҳрамони Фозилбек «бозор» -дунёни тафтиш этади. Одамлар табиатидаги айниш ва тубанлашиш ўзаро меҳр-шафқат танқислиги, маърифат-маънавият унутилиши боис келиб чиққани етарлича англаб етилмаганлиги фожиаси ва ундан келиб чиқадиган маъно Х. Дўстмуҳаммаднинг диққат марказида туради. Унинг мақсади одамлар онгида рўй берган силжишлар, руҳий ўзгаришлар, эврилишларни кўрсатишдан иборат. Романда шахснинг миллий ўзлигини англаш жараёни поэтик тарзда ифодаланган.

² Хуршид Дўстмуҳаммад. Бозор. –Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 2000. (Кўчирмалар шу нашрдан олинди, қавс ичида романнинг саҳифаси кўрсатилди. М.П.)

«Бозор» романида Оллоҳнинг Фозилбек аталмиш бандаси фикран хаёл оқимида, жисман эса оломон издиҳомида ҳаракат қилади. Узоқ йиллар эркинлиги тўсилиб, одамлари пароканда этилган абгор дунё, эл-улус аҳвол-руҳияси ҳақида қайғуради. Ҳаёт оқимини ўзгача идрок этиб, оғриқли туйғуларга ошно бўлган Фозилбек бир пайтлар онаизор бағрида туйган илоҳий фароғат лаҳзаларига интиқ, лутфу-карам, меҳр-мурувват соғиниб яшайди. Унинг бесарҳад ёлғизлик саҳросида пайдо бўлган Қадрия юзларидаги нурафшон тиниқлик, қалбидаги нур, муносабатларидаги меҳрга йўғрилган самимият, маънос кўзларидаги муҳаббатга ташналик, нигоҳларидаги тароват, сийратидаги маърифат бозор касофатларидан захира тегмаганлиги жиҳатидан кўнглига муносиб.

Фозилбек қалбида ўз даврида замон сиёсатига бўйин эгмаган Қадимбек қарвон, Валийбек мўйнафуруш сингари фикри тиниқ, мулоҳазакор иймон-этиқодли боболарига яқинлик бор. Шунингдек, умри бозорда ўтиб, бозор-дунёни эпақага келтира олмай, чорасиз қолган, ҳасратли ҳаёт кўнглига татимаган, йиллар бўйи қиёфаси ўзгармаган оламга алам-изтироб билан боққан отаси Қосимбек ҳам тез-тез мулоҳазага берилади. У нафақат бозордан, бозорнинг устидан, балки ўз-ўзидан ҳам кула олади. Умр интиҳосида Қосимбек ҳам меҳр соғиниб, оталик бурчини адо этиб, кўнглига тасалли топади.

Инсон ўзликни йўқотмаслиги учун ёруғ оламнинг ҳикматларини яралмиш вужуд сифатида зарра янглиғ англашга интиломи керак. Бунинг учун нафақат ўзинг, балки ўзгалар ҳақида ҳам тайинли мулоҳаза юргизиш, доноларча бўлмаса ҳам, ҳарқалай, маъноли, мазмунли, мақсадли яшаш лозим. Инсон зоти гуноҳларидан покланиб тавба, тазарру сарҳадларига интилиб яшаши керак. Фақат нафс қомида ва жон ташвишида яшаш эса жондорга хос хусусият-оғизликдир. Ёзувчи атрофга тафаккур кўзи билан боқайлик, жаҳолатни маърифат билан енгайлик, деган фикрларни илгари суради. Дунёнинг ўнгланиши учун одамларнинг айни замондаги ақл-идрок

тараққиёти ожизлик қилиб келаётгандек, банданинг ожизлиги эса ирода суствлиги, муҳаббат тақчиллигига бориб тақалади, деган хулосалар чиқаради. Миллат тийнатидаги иймон, эътиқод, инсоф, диёнат унутилишига нафс илинжидаги эврилишлар сабаб қилиб кўрсатилади. Одамлар маънавияти ўсиб, яхши амаллар кўпайса, унинг шарофати албатта, ҳаётда кўринади. Бу фикрлар «Бозор» романида Фозилбек, Қадрия, Солиҳ қори, Зар бобо, Эгам бобо, Ғуломжон, Бахтишга ўхшаган бир коинотда ҳаёт кечираётган, келажакдан умидвор персонажлар тақдири орқали кўрсатилади.

Демак, Х. Дўстмуҳаммад ўзи танлаган ҳаёт материали ва бозор одамлари муҳити тасвиридан тўғри ва зарур хулосалар чиқара олган. Шахслар руҳиятини жонли лавҳаларда кўрсатган. Воқеа ва фактларни шунчаки ташвиқ қилишга йўналтирмаган. Роман ғояси барча қисмларининг ягона маънони ифодалашга бўйсундирилгани, фикр аниқлиги композицион мукамалликни таъминлаган. Бу фикр тасдиғини мазкур парчадан кузатиш мумкин.

«Одам ато... уни туфрокдин яратиб, «Бўл!» деди. Шул замон ул жонли одамга айланди... Фозилбекда не гуноҳ?! Орадан икки юз йил ўтди, Одам икки юз йил йиғлади... «Икки юз йил эмиш,- мийиғида кулди Фозилбек,- ҳозиргача йиғлайдию!... Йиғламаган жон борми?.. Турқи совуқ тимсоҳ ҳам йиғлайди...Одам ҳам йиғлаб ўтади дунёдан, қиёматгача йиғлайди, бир кун кулиш илинжида ҳафталаб, Ойлаб йиғлайди»... Хуллас, Одам Ҳовванинг дийдорига етишиш орзусида икки юз йил йиғлади, йиғлай-йиғлай дийдорига етди. Ҳовва ундан юклиғ бўлди, сўнг... сўнгра Одамнинг уруғи қирқ минг бандга етди».(48- бет)

Х. Дўстмуҳаммад диққат қаратаётган илк одамнинг пайдо бўлиши илоҳий қудрат билан боғлиқ эканлиги «Қуръони Карим» оятлари билан чамбарчас боғлиқ. : «(У) Еру осмонларни пайдо қилувчидир. Бирор ишни

хукм қилса, унга фақатгина «Бўл» дейди холос. Бас, у иш бўлади»³ (2.116)
«Эсланг. Парвардигоримиз фаришталарга деган эди: Албатта Мен лойдан бир одам яратгувчидирман. Бас, қачон уни ростлаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг, унга сажда қилган холларингизда йиқилинглари!» (38.71-72.)

«(Оллоҳ) осмонлар ва Ернинг илк яратувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди... У сизларни ўша (жуфтлик воситасида) кўпайтирур». (42.11) «Сизлар эслатма-ибрат олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик». (51.49)

Кўринадики, Одам ва Ҳоввонинг илоҳий қудрат йўли билан яратилиб, сурат ва руҳ берилганлиги исломий таълимотга кўра хабар тарзида баён этилган. Оллоҳнинг қудратига далолат қилувчи оятлар ўзига хос «эслатма-ибрат» вазифасини ўтайди. Одамни тақво либосига бурканишга, покланишга, тафаккур билан амалий ишлар қилишга даъват этади.

Диний ва дунёвий адабиётлар муштараклиги ўзбек адабиётида улкан қатламни ташкил қилиши туркий халқлар адабиётининг алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Дурбек, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр сингари мумтоз адабиёт намояндалари асарлари мисолида адабиётшунослигимизда махсус ўрганилган.⁴ Услуб ворисийлигини адабий-тарихий таҳлил этувчи бундай тадқиқотлар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ислом ва Қуръон мавзуларининг бугунги айрим ўзбек романларида талқин этилишини тушуниш, «Бозор» романидан келтирилган юқоридаги мисолни таҳлил этишда бизга Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари ҳам яқиндан ёрдам беради:⁵

«Қирқ йил ул тупроқ уза ёғмур ёғди, ўтуз тўқуз йил қазғу ёғмури ёғди, бир йил севинч ёғмури ёғди. Ул йўлдин Одамга севунчдин қазғу

³Қуръони Карим.Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент, 1992.(Мисоллар шу нашрдан олинди, сура ва оят рақамлари қавс ичида кўрсатилди.)

⁴ Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил): Филол. фанл. доктори дисс... автореф. –Тошкент,1993.

⁵ Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. Биринчи китоб. –Тошкент, 1990.

ортукроқ бўлди. Қирқ йилда кезин тупроқни қудрати бирла суврат қилди... Яна бир ривоятда келмиш жон Одамнинг бошингга кириб икки юз йил тезгинди... аммо ўзинга менгзаюр ким эрса йўқ учун кўнгли тўлонмадин қайктек бўлуб ужоҳ ичинда юриюр эрди». (16-18- бетлар)

Х.Дўстмуҳаммад илоҳий мазмунли киритмаларни романда баъзан шакл ва мазмунини тўла сақлаган ҳолда, баъзан эса уларнинг мазмуни орқали фалсафий фикр-ўйларини изоҳлаш, тўлдириш йўлидан фойдаланиб киритади. Роман тўқимасининг узвий бир бўлагига айланган илоҳий мазмундаги киритмалар унинг ижодий фантазиясини янада бойитиш, тахайюл уфқларига туртки берадиган кўплаб муаммоларга теранроқ жавоб топиш имконини яратди. Яна Рабғузий асарининг «Қиссаи Одам сафий алайҳис-салом» бўлимига мурожаат қилсак, мазкур фикримизни тасдиқлаш мумкин бўлади:

«Одам икки юз йил йиғлади. Икки юз йилда кезин Арафот еринда икагу қовуштилари. Одамдин юклук бўлди... Ҳавво етмиш қорин ўғлон туғурди... Қобил уруғи етти минг... Ҳобил уруғи қирқ етти минг бўлдилар». (28-бет)

Бинобарин, Х.Дўстмуҳаммаднинг ёрқин изланишлари ижобий ҳодиса экан, буни белгиловчи омиллардан бири ҳам роман концепциясига илоҳий тушунчаларни сингдиришдаги носирнинг дадиллиги эканлиги эътироф қилиниши шубҳа туғдирмайди.

Одамнинг илоҳий қудрат билан тупроқдан яралиб жон ато этилгани; ўзига менгзайдиган кимсани учратгунча яъни дарддош, дилдош яралгунча кўнгли равшан бўлмаганлиги; Одам жонининг озорланиши, севинчдан кўра кўпроқ қайғу-изтироб чекиши унинг лойи қорилганидаёқ маълум бўлганлиги; икки жуфтнинг дийдорлашиб қовушмоғи, бани инсон наслида асрлар ўтиши билан бисёр кўпайиш натижасида эврилиш ҳам содир бўлгани, меҳр-оқибат ўртадан кўтарилганига урғу бериш – Рабғузий насрий меросида мавжуд бўлган мазкур фикрлар ривоят тарзида баён этилган. Х.Дўстмуҳаммад «Бозор» романида мазкур ривоятни янги давр насри

тажрибалари, ўз кўзлаган мақсади билан узвий боғлаб услубий изланишлари доирасини илоҳий мазмундаги киритмалар ҳисобига кенгайтиради.

Фозилбек Одам ато наслидаги кўпайиш изни Одамнинг кўлида эмаслиги улуғ ва адоқсиз қисмат занжирини юзага келтирганини ўйлайди. Бемақсад туғиш, кўнгилсиз оилада ўсиш, амал-тақал қилиб яшаш, ҳамма оила қураётгани, азалдан бу удум давом этаётгани учунгина фарзандларни уйлаб қўйиш натижасида ўша занжир ҳалқасини яна биттага кўпайтириш асар қаҳрамонининг наздида ақли тўқислик белгиси эмас. Чунки Одам ато ҳам кўнглига муносиб жуфт излаган. Унинг рухсориға етмагунича ҳатто жаннат боғларида ҳам қалби таскин топмаган. Жаннатдан чиқарилганида-да Ҳаввога қовушмоқ илинжида зору нолон интилган. Шундай экан, нечун биз инсоннинг кўнгил талпинишлари билан баъзан заррача қизиқмаймиз, уни назар-писанд қилмаймиз, демоқчи бўлади адиб.

Яъни йўқдан бунёд бўлмоқ, туғилмоқ инсон қисматида бор экан, умрнинг ҳикмат ва ғурбат сарҳадларида кезмиш инсон тафаккур қилиши ҳам табиий. Фозилбек ўзининг мавжудлиги онаизорнинг ширин жони эвазига бўлганлигидан озорланади. Тирикликнинг омонатлигини тушунар экан, пешонасига битилган қисмат чангалида ихтиёрсиз хаёллар, тизгинсиз ўйлар гирдобига ғарқ бўлади. Бироқ фикрлаш Фозилбекка қайсидир гуноҳлари учун астойдил тавбалар ўрнига ўтиши, хаёлот оламида у ўзини эмин-эркин сезишини назардан қочирмаслик лозим.

Фозилбек туғилиши билан онаизорнинг вафоти унинг яқинларида дастлаб чақалоққа, кейинчалик эса ўспирин ва йигит ёшида ҳам қаҳрамонимизга «арзанда» сифатида пинҳона таъна-иддао билан қарашни келтириб чиқарган. Ҳатто отаси Қосимбекнинг кўзларида ҳам баъзан кўринадиган дашном ёлқини шарпаси ва норозилик учқунларини илғайдиган Фозилбекка булар қаттиқ руҳий таъсир қилади. Уни реал ҳаёт оқими ва оиласидан четда, дунёни ўзича идрок этувчи кишига айлантирган нарса ҳам аслида ўша – юрагида уйғонган оғриқли туйғулардир. Бировнинг жони

эвазига яшаб қолганидан ўзини гуноҳкор сезган Фозилбек сезимлари сирқирашини ошкора билдирмайди. У ақл-идрок, инсоф, диёнат ва қаноат кишисига айланади. Инсоний меҳр-мурувват, кадр-қимматнинг ўлчов ва мезонлари йўқ, деб билгани боис кўпчиликка ўхшаб моддий қимматларни эмас, маънавий қадриятларни улуғлайди. Қалб амридан туғилган истаклари учун курашади.

Мазкур кураш кўпроқ унинг тафаккурида кечади. Фозилбекнинг ўйлашга одатланиши ҳаётда фозилларча оқилона яшаши, борлиққа тайинли мулоҳаза билан олимона қараши, ўзликни йўқотмасликка интилишдаги софдиллик, ёруғ оламнинг инсон тафаккури тўла қамраб ололмайдиган ҳикматларини англашга интилиши тарзида намоён бўлади. Чинакам инсон бўлишга аҳд қилади. Фозилбек наздида одамийлик туйғулари ичра гуноҳкорлик ҳисси, тавба, истиҳола ва тазарру ниҳоятда муҳим бўлиб, инсон зотини покланиш ва комилликка етаклайди.

Демак, «Қиссаси Рабғузий»да берилган ривоят мазмуни романда такрорланмайди, қаҳрамон шахсияти, руҳият иқлими, интилишлари мазмуни билан узвий тарзда туташади. Инсоннинг бу оламга келиши ўз ихтиёрида эмас экан, яшашдан муддао нима, деган жумбоқни ўйлаш, унинг жавобини топишга уриниш керак эмасми?

Бинобарин, ёзувчи ривоят мазмунини романнинг сюжет тўқимасига композицион жиҳатдан мувофиқ тарзда ўз ғоявий нияти билан мантиқан боғлаган ҳолда сингдириб юбора олган. Натижада реал давр муаммолари фалсафий-психологик жиҳатдан умумлаштирилган. Сюжет изчиллиги таъминланиб, ёзувчининг ижтимоий ҳаётга бўлган муайян муносабати мажозий усулда ифодаланишига эришилган.

Демак, «Бозор» романи муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири асар бадий тўқимасига илоҳий киритмалар билан алоқадор фикрларнинг сингдириб юборилишидаги адибнинг услубий индивидуаллиги ва маҳоратидир. Х.Дўстмуҳаммаднинг илоҳий мазмундаги киритмаларни роман

тўқимасининг узвий бир бўлаги сифатида талқин қилиши ифода имкониятларини кенгайтиришга самарали таъсир кўрсатган. Бу ҳол миллатнинг яшаш ва ўйлаш тарзи – миллий онг, эстетик тафаккур тамомила янгиланаётган бир давр ўзбек романчилигида янги, ижобий ҳодисадир.